

159 ШАРТНОМА

Фаргона шаҳар

«13» 12 2022 йил

Фаргона вилояти Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги маркази раҳбари З. Маъмуров иштирокида бир томондан «БУЮРТМАЧИ» деб аталиб ва иккинчи томондан «Global Kapital Qurilish» хусусий корхонаси номидан уз Уставига асосан фаолият юритувчи раҳбари А.Ахмедов иштироида «БАЖАРУВЧИ» аталиб ушбу шартномани туздилар.

1. Шартноманинг мазмуни.

1.1. Ушбу шартнома буйича «Бажарувчи» уз зиммасига «Буюртмачи»нинг буюртмасига биноан куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади: куёш панелларини урнатиш.

1.2. «Буюртмачи» эса бажарилган ишлар хизматлархаккини мазкур шартномада курсатилган шартлар буйича тулашни уз зиммасига олади.

2. Бажариладиган ишларни муддати ва тартиби.

2.1. Мазкур шартномага асосан ишларнинг бажарилиши муддати куйидагича белгиланади: Шартнома икки томонлама имзолангандан сунг 10 кун ичида.

2.2. «Буюртмачи» бажариладиган ишлар буйича «Бажарувчи»га бажариладиган ишларни амалга ошириши учун талаб даражасида шароитлар яратиб беради.

2.3. «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» ишлар тулик бажарилагиндан сунг 3 кун муддат ичида бажарилаган ишларнинг Далолатномаси тузилиб томонлар томонидан имзоланади.

3. Бажариладиган ишлар бахоси ва ҳисоб-китобтартиби.

3.1. Мазкур шартномага асосан бажариладиган умумий иш киймати 21900000 (йигирма бир миллион туккиз юз минг) сумни ташкил килади.

3.2. Тулов муддати: «Бажарувчи» томонидан бажарилган ишлар далолатномаси такдим этилиб, томонлар томонидан имзоланган булса 3 кун ичида утказиб берилади.

3.3. Тулов шакли: «Бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига пул кучириш йули билан амалга оширилади.

4. Бажариладиган ишларни топшириш ва қабул килиш тартиби.

4.1. Шартнома буйича курсатилган ишларни тугаганидан кейин давлат назорат куригидан утказилади, бу тугрисида тасдиқловчи ҳужжат такдим этилади ва

бажарилган ишлар далолатномаси имзоланганидан сунг барча ишлар тугалланган хисобланади.

4.2. Иш муддатидан олдин бажарилганида «Буюртмачи» ишни муддатидан олдин кабул кили шва келишилган хаккини тулаш хукукига эга.

4.3. «Буюртмачи» хакикатда бажарилган ишни «Бажарилган ишлар далолатномаси» имзолангунга кадар рад килиши мумкин.

5. Томонларнинг мулкый жавобгарлиги.

5.1. «Бажарувчи» бажариладиган ишлар муддатини кечиктиргани учун хар бир кечиктирилган учун «Буюртмачи»га умумий сумманинг 0,5% микдорида, лекин умумий сумманинг 50% ошмаган холда пеня тулайди.

5.2. «Буюртмачи» бажарилган ишлар учун уз вактида пулини туламаса хар бир кечиктирилган кун учун «Бажарувчи»га умумий сумманинг 0,5 фоизи микдорида, лекин ушбу сумманинг 50% ошмайдиган микдорида пеня тулайди.

6. Томонларнинг мажбуриятлари.

6.1. Шартномада белгиланган мажбуриятларни бажаришга томонлар амалдаги конунчиликка асосан жавобгардирлар.

6.2. Баъзи бир сабабларга кура ишлар чузилиб кетганхолда томонлар узаро келишувга асосан оралик далолатнома тузадилар.

7. Форс-мажор холатлари.

7.1. Томонларнинг хеч бири бошка томон олдида ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларини томонларининг эрки ва истагидан ташкари пайдо булган ва уларни олдиндан кура билиш ёки бартараф этиш мумкин булмаган холатлар, бунга кушиб харбий харакатлар, ёнгин, сув босиши, зилзила ва бошка табиий офатлар каби бартараф этиб булмайдиган холат(куч)ларнинг мавжудлиги билан боглик холда бажармаганликлари учун жавобгар булмайди.

7.2. Ушбу мажбуриятларни бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга юкоридаги 7.1.бандида курсатилган холатлар таъсир курсатиши ёки моненьлик килиши тутрисида бошка тарафга имкон кадар тезда хабар берилиши лозим.

8. Низоларни хал килиш тартиби.

8.1. Тарафлар уртасида ушбу шартнома буйича ёки у билан боглик пайдо буладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар томонлар уртасида музокара йули билан хал килинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йули билан хал килиб булмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий судида курилишига тегишли булади.

9. Шартноманинг амал килиш муддати.

9.1. Ушбу шартнома уни икки томонлама имзоланган кундан бошлаб кучга кирадига унинг амал килиш муддати 31 декабрь 2022 йилгача. Агар томонлар тарафидан ушбу шартноманинг шартлари бажарилмаса, унинг амал килиш муддати томонлар тарафидан ушбу шартнома шартлари бажарилгунга кадар чузилади.

9.2. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди

10. Тарафларнинг реквизитлари

БУЮРТМАЧИ

Фаргона вилояти Санитария
эпидемиологик осойишталик ва
жамоат саломатлиги маркази

Манзил: *Фаргона шаҳар.*

Яқобобат 26
Ш/Х *10002186030401408110054002.*

СТИР *201104440*

Фаргона вилояти буйича
газначилик булинмаси газна
х/в:23402000300100001010

Марказий банк ХККМ

МФО: 00014

Газначилик булинмаси СТИР
201122919

БАЖАРУВЧИ

Global Kapital Qurilish хусусий
корхонаси

Манзил: Маргилон шаҳри,
Мустакиллик кучаси 378 уй

х/р 20208000905013402001

СТИР 302463704

Агро банк Маргилон булимии

МФО: 00528



Рахбар: *[Signature]*

Юрист: Ч.Н. Эрматов Ч.



Рахбар: *[Signature]*

А.Ахмедов

Фаргона вилоят Санитария эпидемиологик осойишталик

ва жамоат саломатлиги маркази рахбари



[Handwritten signature]

Фаргона шахри

7 декабрь 2022 йил

Фаргона вилоят Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги маркази томонидан 28 ноябрь 2022 йил куни лот № 193767 билан Марказни узлуксиз энергия таъминоти таъминлаш учун куёш панелларини сотиб олиш учун йигилиш

БАЁННОМАСИ 31

Катнашдилар: Якубов Гуломжон Жураевич – бош врач уринбосари

Холикова Ёкитой Фазиловна – врач ёрдамчиси

Ходжаева Наргиза Адилловна – врач лаборант

Нуритдинов Эркиндон Васиевич – булим мудири

Олимов Зафаржон Носирович – бош врач уринбосари

Кенгашева Сайерахон Абдувахобовна – врач бактериолог

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:


1. Fragrance Trade Servis MCHJ
2. Global Kapital Qurilish x f
3. Nano volt biznes
4. VODIY MANBA MCHJ 1


Йигилишда иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар бахолангандан сунг 2 иш куни мобайнида муҳокамада булган. Ушбу муддат ичида иштирокчилар томонидан хеч кандай эътирозлар келиб тушмади. Юкоридагиларни инobatга олиб комиссия


ҚАРОР КИЛАДИ


1. Утказилган энг яхши таклифни танлашда энг юкори балл туплаган голиб иштирокчи Global Kapital Qurilish x f билан шартнома имзолансин хамда энг яхши таклифни танлаш натижалари хакидаги маълумотлар (йигилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидлари утказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.


2. Ушбу карорни бажаришни комиссия уз зиммасида колдирсин.

Комиссия раиси: Якубов Гуломжон Жураевич - 

Холикова Ёкитой Фазиловна - 

Ходжаева Наргиза Адилевна - 

Нуритдинов Эркиндон Васиевич - 

Олимов Зафаржон Носирович - 

Кенгашева Сайерахон Абдувахобовна - 